



“ЎЗБЕКИСТОННИ ТОП ЎН ТУРИСТИК ҲУДУДЛАР
ҚАТОРИГА КИРИТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ: БАРҚАРОР
РИВОЖЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ”
мавзусидаги ҳалқаро онлайн илмий-амалий
анжуман материаллари тўплами
2020 йил 11-12 декабрь



“PROSPECTS FOR UZBEKISTAN'S ENTRY INTO
THE TOP 10 TOURIST DESTINATIONS: SUSTAINABLE
DEVELOPMENT OPPORTUNITIES”

collection of abstracts
December 11-12, 2020

“ПЕРСПЕКТИВЫ ВХОЖДЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА В
ДЕСЯТКУ ЛУЧШИХ ТУРИСТИЧЕСКИХ НАПРАВЛЕНИЙ:
ВОЗМОЖНОСТИ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ”

сборник тезисов
11-12 декабря 2020 года



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
“СЕРВИС СОҲАСИ ИҚТИСОДИЁТИ” ВА “ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА
ХЎЖАЛИГИ” КАФЕДРАЛАРИ**

**“ЎЗБЕКИСТОННИ ТОП ЎН ТУРИСТИК ҲУДУДЛАР
ҚАТОРИГА КИРИТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ: БАРҚАРОР
РИВОЖЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ”**

**мавзусидаги халқаро онлайн илмий-амалий анжуман материаллари
тўплами
2020 йил 11-12 декабрь**

**“PROSPECTS FOR UZBEKISTAN'S ENTRY INTO THE TOP 10
TOURIST DESTINATIONS: SUSTAINABLE DEVELOPMENT
OPPORTUNITIES”
collection of abstracts
December 11-12, 2020**

**“ПЕРСПЕКТИВЫ ВХОЖДЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА В ДЕСЯТКУ
ЛУЧШИХ ТУРИСТИЧЕСКИХ НАПРАВЛЕНИЙ:
ВОЗМОЖНОСТИ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ”**

**сборник тезисов
11-12 декабря 2020 года**


**“Дурдана” нашриёти
Бухоро – 2020**

Kiyamova M.	Buxoro folklor merosidan turizmni rivojlantirishda samarali foydalanish	79
Эвадуллаев Т.Ш.	Самарқандда зиёрат туризмини ривожланишида муқаддас қадамжоларнинг ўрни	81
Toyirova S.A.	Turizmda turmahsulotning ahamiyati	84
Choriyev R.N.		
Мўминов Х.И.	Ўзбекистонда туризмнинг янги йўналишларини шакллантириш	85
Абдуллаева X.		
Мусоев Д. Г.	Анализ туристских потоков в историко-древнейших городов Узбекистана и их туристско-рекреационный потенциал	87
Исхакова С.А.	Ўзбекистонда таълим туризмини ривожлантириш истиқболлари	90
Ибрагимова М.И.		
Kamolov X.Z.	O'zbekiston turizm sohasini diversifikatsiya qilishda madaniy meros obyektlarining roli	92
Abdullayev S.I.	Ziyorat turizmi, uning xususiyatlari va funksiyalari	94
Muqumova H.I.		
Рауфов Р.Н.	Рекреационный туризм Таджикистана	96
Кулматова Л.С.		
Макушина А. Ю.	Развитие туристической индустрии в Республике Узбекистан	98
Allanazarov O.B.	Xorazm viloyatida agroturizm rivojlantirish imkoniyatlari	
Matkarimov F.		100
Талапова Н.Б.	Ўзбекистонда ёшлар туризмини ривожлантириш	
Исмоилова М.И.		102
Fozilova M.B.	Ekologik turizmni rivojlantirishning iqtisodiyotdagi o'rni	104
Болтаева М.Ш.	Бухоро вилоятида туризмни ривожлантиришда табиий-иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш холати	106
Ashurova M.X.	Turistik – rekreatsiya resurslaridan foydalanishning ekologik xususiyatlari	
Fozilova M.B.		108
Собиров М. С.	Особенности территориального развития туризма и рекреации в долине Зеравшан	
		111
Солиев И.	Ўзбекистонда рекреация ва туризм тармоғини ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатлари	
Бойтӯраев О.		112
Тажибаев Ш.М.	“Етти пир” туристик маршрутини ривожлантириш истиқболлари	
Yunusova S.	Gastronomik turizm turlari va Yevropa davlatlari andozalari	
Axmadjanova M. A.		116
Сайдова Ф.К.	Перспективы развития экологического туризма Узбекистана	
Dilmonov Q.B.	Essential image of eco-tourism	117
Asadova A.O.	O'zbekistonda erkin turistik zonalarni rivojlantirishda mice turizm va boshqa turistik yo`nalishlardan foydalanishning o`ziga xos shakllari	
		119
		120
3-ШЎБА. 3-СЕКЦИЯ. 3-SECTION.		
Barotova D. Yo.	O'zbekistonda “turistik qishloq”, “turistik mahalla”, “turistik ovul”larni rivojlantirish mexanizmlari	
		124
Жалилова Ч.З.	Туризм ривожлантиришда туризм маҳалласининг роли (Ромитан тумани Кўргон туризм маҳалласи мисолида)	
Мухаммедов С.		126
Usmanova A.B.	Prospects for development of rural tourism in Uzbekistan	
Нарзиев М.М.	Мехмонхона кластерларини шакллантиришда “туристик маҳалла”ларнинг ўрни	
Matjonov B.R., Qo'chqarov Sh.	o'zbekistonda qishloq turizmini rivojlantirishning dolzarb masalalari	
		130
Усманова Р.	Оптимизация использования туристических ресурсов Кашкадарьинской области	
		131
Жумаев Х. Х.	Қашқадарё вилоятида туризм-рекреация инфратузилмасининг ривожланиши даражаси	
		133
Очилова Х.Ф.	Механизм формирования этнопарков в Узбекистане	
Бекжанов Д.Й.	“Туристик маҳалла” ларни ривожлантириш орқали туристик дестинация ракобатбардошлигини ошириш	
		135
Ollanazarov B.	O'zbekistonda agroturizmni rivojlantirishda rivojlangan mamlakatlar modellaridan foydalanish	
Matkarimov F.		137
Мардонов Б.Б.	Тарихий-маданий туризмнинг ривожланиш зарурияти	
Исхакова С.А.		141
Xomidova M.Z.	Qashqadaryo viloyatida ekoturizmni rivojlantirishning asosiy yo`nalishlari	
		142
		144

2019-yildagi tahlil davrida ham eng yuqori o'sish sur'atlari ta'lim sohasidagi xizmatlar bo'yicha -123,5%ni tashkil etgan bo'lsa ham lekin, 2018-yilga nisbatan 8.5% ga tushganligini koramiz, aloqa va axborotlashtirish xizmatlari – 117,9%ni tashkil qilsa, u 2018-yilga nisbatan 3% ga oshganini ko'ramiz, moliyaviy xizmatlar bo'yicha - 112,7% ga erishilgan bo'lsa ham , 2018- yilga nisbatan 8.5% ga tushganini ko'ramiz.

Hududlardagi eng yuqori o'sish sur'atlarini Buxoro shahar(105,6%ni), Korovulbozor tumani (103,4%ni), Peshko' tumani (101,5%ni) tashkil qiladi.

Har bir hudud mamlakat iqtisodiyotining territorial izolyatsiyalangan qismi hisoblanadi. Har bir hudud o'zining ixtisoslashuvi, iqtisodiyotni integratsiyalashgan rivojlantirish va uni boshqarish imkoniyatlari bilan farq qiladi. Xizmat ko'rsatish sohasini rivojlantirishda eng yuqori o'sish sur'atlarni Buxoro shahar (57,7% ni), Gijduvon tuman (10,7% ni), Kogon shahar (4,0% ni), Buxoro tuman (3,8% ni) tashkil etdi.



4-rasm¹.

Ko'rsatilgan xizmatlar umumiy hajmidagi eng kichik o'sish sur'atlarini Peshko' (2,4%ni) , Qorovulbozor (1,9%ni) va Kogon (1,7%ni) tumanlari tashkil etadi.

Mamlakatimizning mehmonxona xizmatlar bozorida ijobji siljishlar bilan birga, uning barqaror rivojlanishiga to'sqinlik qiluvchi ba'zi muammolar mavjud. Bular, ushbu sohaga yo'naltirilgan investition mablag'larning etishmasligi va turizm ob'ektlariga investisiyalarni jalb qilish sohasidagi ayrim muammolarning mavjudligi, mehmonxonalar faoliyatlarini tartibga solish masalalari to'liq hal etilmaganligi, turistik xizmatlar bozori infratuzilmasi etarli darajada rivojlanmaganligi, shuningdek mehmonxona xizmatlar bozorida marketing konstepsiyasini amalga oshirish usullari va yo'nalishlarining takomillashmaganligi bilan izohlanadi.

БУХОРО ВИЛОЯТИ ТАБИЙ-ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИНГ ТУРИЗМ РИВОЖИГА ТАЪСИРИ

Ашурова М.Х. - БухДУ

Қадимий-тариҳий ёдгорликлари салоҳияти. Бухоро шаҳри 2500 йиллик тарихга эга бўлиб, Буюк ипак йўлининг асосий савдо-сотиқ марказларидан бири сифатида хизмат қилган. Буюк аждодларимиз қурган архитектура иншоотлари бутун дунё ҳамжамияти томонидан тан олинган. Вилоятда 777 тарихий ёдгорликлар сақланиб қолган. 2013-йилда Бухоро шаҳрида жойлашган 217 та қадимий иншоот ЮНЕСКО ҳалқаро ташкилоти рўйхатига киритилган. Айниқса бутун ислом олами томонидан зиёрат қилинадиган Хўжанг Абдухолик Фиждувоний,

¹ Manba: Buxoro viloyati xizmatlar sohasi statistikasi bo'limi. www.buxstat.uz

Хўжа Ориф ар-Ревгарий, Хўжа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хўжа Азизон, Хўжа Муҳаммад бобо Сомосий, Сайд Мир Кулол, Хўжа Баҳовуддин Нақшбанд ёдгорликлари ташқи ва ички туризмнинг асосий салоҳиятларига киради. Вилоятда етти пир сайёҳлик йўналиши енг машхур бўлиб, хорижий ва ватанимиз сайёҳлари еътиборида бўлиб келмоқда. Ҳар бир пирнинг мақбараларини зиёрат қилиш учун минглаб сайёҳлар ташриф буоришади. Шунингдек тарихий-меъморий обидалар ичida Арк қўргони, Ситораи Моҳи-хоса саройи, Пойи Калон, Лаби-ҳовуз, Гавқушон ва бошқалар ҳам хорижий туризм сайёҳлари сонини янада кўпайтириш учун кенг имкониятлар очиб беради.

Тарихий ёдгорликлар қаторига Бухоро ва Навоий вилояти чегарасида жойлашган японлар дағн қилинган мозорни ҳам зиёрат сифатида кенг тарғиб қилиш мумкин. Шўркўл (Олот) туз балчиқ кўли, Вардонзе табиий ёдгорлиги Шофиркон туманида жойлашган, тарихий-екологик мазмунга эга бўлиб, ички ва ташқи сайёҳлар оқимини оширишда тарғиб етиш мумкин. Қулжуқтов тизмаси, "Келин қоя", "Ҳазори Нур" Бухоро вилоятининг энг шимолий чегарасида чўл-яйлов зонасида жойлашган бўлиб, экотуризм ва зиёрат туризмини ривожлантиришда бекиёс имкониятларга эга. Бир қатор давлат қўриқхоналари ва парвари什хоналар(Денгизкўл, Қумсултон, Ҳадича, Оёқоғитма ташланма кўллари, Қора-Қир, Қизилкум, Республика Жайрон-экомаркази) ҳам вилоятда туризм турларини кўпайтириш ва сайёҳларни жалб қилиши мумкин. Қўриқхоналарда Қизил китобга киритилган ҳайвонлар ва ўсимликлар мавжуд бўлиб, улар сайёҳларда катта қизиқиш уйғотади.

Вилоятда бир қатор гидрология иншоотлари мавжуд. Жумладан, Аму-Бухоро, Аму-Қоракўл, Қоровулбозор магистрал каналлари, Шўркўл сув омбори, Денгизкўл кўл базасида сайёҳлик маршрутларини ташкил этиш учун салоҳият бор.

Табиий салоҳиятдан(ер ости суви) фойдаланган ҳолда вилоятда фаолият олиб бораётган иккита санаторий-профилакторияни(Ситораи Моҳи-хоса ва Иссик сув санаториялар) халқаро андозалар асосида кенгайтириш натижасида сайёҳлар оқимини ошириш мумкин. Вилоят бой минерал хом-ашё ресурсларига эга. Минтақада 49дан ортиқ фойдали қазилма конлари мавжуд. Улардан факат 60%идан ҳозирда фойдаланилмоқда холос. Айниқса, табиий салоҳият бўлиши газ ва газ конденсати, графит, табиий тош ва мрамор, қурилиш материалларини фойдали қазилма конларининг келажакда вилоят иқтисодиётини ривожлантиришдаги ўрни юқори. Бунга яққол мисол сифатида газ ва газ конденсати конларини топиш бўйича кенг қамровли геология-қидирув ишлари олиб борилаётганлигини, 2018-йилда замонавий инновацион технологияларга асосланган газни қайта ишлаш бўйича газ-кимё мажмуасини Россиянинг Лукойл компанияси иштирокида ишга туширишини айтиш мумкин. Лекин шу билан бирга вилоят миқёсида етакчи ва рақобатбардош асосий иқтисодий ўсишни таъминлайдиган саноат тармоқлари шаклланмаган десак муболага бўлмайди. Мавжуд минерал хом-ашё ресурсларидан вилоятда инфратузилма объектларини, жумладан туризмга боғлиқ йўл ва йўл қурилиши, меҳмонхоналар ва ижтимоий соҳа учун қурилиш материаллари ишлаб чиқишида фойдаланиш мумкин.

Инфраструктура салоҳияти. Вилоят транспорти, жумладан автойўл тизими бўйича мамлакатда саккизинчи ўринни, автотранспорт моддий техника базаси бўйича иккинчи ўринни эгаллайди.

Темир йўлнинг асосий йўналишлари Тошкент-Бухоро-Бетнау маршрути бўйича Ўзбекистонни Қозогистонга олиб чиқади. Айниқса, Тошкент-Самарқанд-Бухоро, Бухоро-Мискин ва Фарғона-Бухоро йўналишлари бўйича тезюар поезди қатновининг йўлга қўйилиши вилоятга ташриф буориётган сайёҳларнинг сонини кескин ошишини таъминлайди. Ички туризмни ривожланиши кўп жиҳатдан замонавий автомагистралларнинг ривожланиш даражаси билан белгиланади. Вилоят худудидан Тошкент-Термиз миллий автомагистрали, ҳамда Гузор-Бухоро-Олот автомагистрали ўтган бўлиб, улар деярли мамлакатимизнинг барча

минтақаларидаги аҳоли учун Бухоронинг сайёхлик салоҳиятидан фойдаланишлари учун имкон яратиб беради.

Демографик салоҳият ва туризмга бўлган талабни шаклланиши. Вилоятдаги демографик ривожланиш иқтисодиётнинг барча тармоқларига бевосита таъсир кўрсатади. Айниқса, ушбу омил ички туризмга бўлган талабни мамлакат ва вилоят миқёсида белгилаб беради. Вилоят бой демографик салоҳиятга эга. Ўртacha 2018-йилда аҳоли сони 1870,0 минг кишини ташкил қилиб, охирги ўн йилда 309,5 минг кишига кўпайган ёки 121,7% га. (Ўзбекистонда бу кўрсаткич 118,0%) Аҳоли сонини нисбатан юқори суръатлар билан ўсишига авваламбор табиий ўсишнинг юқорилиги билан изоҳлаш мумкин. Мамлакат ва минтақаларга нисбатан вилоятда шаҳар аҳолиси тез суръатлар билан ўсмоқда. 2006-2018-йилларда шаҳар аҳолиси 154,0% га ўсан бўлиб, урбанизация жараёнлари тезлиги бўйича мамлакатимизда етакчи ўринни эгаллайди. 2018-йил маълумотларни асосида вилоятда 3-6 ёшгача бўлган болалар 50,0 фоизини қамраб олиб, тарихий обидаларни кўрсатиш учун сайёхликка олиб борилганда ички туризм салоҳияти 67,5 минг киши бўлиши мумкин. Худди шундай ҳисоблар мактаб ўқувчилари бўйича ҳисобланганда (қамраб олиб 80%) туризмга бўлган талаб 280,0 минг кишига етади. 18-24 ёшгача бўлган ёшлар, шу жумладан студентларни ички туризмга жалб қилиш талаби (қамраб олиш 30,0%) 62,0 минг киши бўлади. Агарда вилоят аҳолисини қолган қатламини 25 фоизи ички туризмда иштирок этса, уларнинг сони 175,0 минг киши бўлади. Демак вилоятда аҳолини турли табақаларини бир йилда бир марта сайёхлик хизмати кўрсатилганда, туризмга бўлган талаб 427,0 минг кишини ташкил қиласди, агарда 2 марта сайёхлик амалга оширилганда уларнинг сони 854,0 минг кишига етади.

1-жадвал

Бухоро вилояти аҳолиси сони прогноз кўрсаткичлари (минг киши)

Кўрсаткичлар	2017 йил	2020 Йил	2025 Йил	2030 йил	2017й 2030й Нисбатан
Жами	1845,0	1931,3	2055,8	2158,1	117,0
Ёши бўйича таркиб 0-15 ёш	525,0	552,4	575,2	570,8	108,7
16-59/54 ёш	1136,8	1159,9	1202,0	1251,2	110,1
60/55 ёшдан юқори	183,3	219,0	278,5	336,1	183,4
Таркиби(фоиз) 0-15 ёш	28,5	28,6	28,0	26,5	-
16-59/54 ёш	61,6	60,1	58,5	58,0	-
60/55 ёшдан юқори	9,9	11,3	13,5	15,5	-

Ушбу тартибда Бухоро вилоятига ташриф буюрувчиларнинг мамлакат миқёсидаги талаби аниқланиб, уларнинг сони йилда бир марта сайёхлик ташкил етилганда 3,9 млн кишига тенг бўлади. Умуман Бухоро вилоятида ички туризмни йиллик салоҳиятини 5,0 млн кишига билан баҳоласа бўлади. Мавжуд йирик ички туризм салоҳиятини ўзлаштириш ўз навбатида вилоятда 2030-йилгача бўлган маҳсус давлат дастурини тайёрлаш ва амалга оширишни тақазо қиласди.

Бухоро вилояти меҳнат салоҳияти ўсиб бораётган минтақалар қаторига киради. 2017-йилда меҳнат ресурслари 1065,4 минг кишини ташкил қиласди бўлиб, бу кўрсаткичнинг мамлакатимиздаги улуши 7,0 фоизига тенг. Ҳозир меҳнат ресурслари аҳоли сонини 52,4 фоизига тенг(2006-йилда 58,0 фоиз). Аҳолининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги(2006-йилда 32,9%, 2018-йилда 29,8%) ва ижтимоий соҳада(мос равишда 21,2% ва 23,3%) банд. Вилоятда аҳоли эҳтиёжлари орасида биринчи ўринда турувчи бандлик муаммосини ҳал қилишда ички

ва ташки туризмни ривожлантириш энг муҳим йўналишлардан бирига айланиши учун барча имкониятлар мавжуд. Мехнат бозоридаги талаб ва таклифдан келиб чиқсан ҳолда туризмни мақсадли ривожланиш кўрсаткичларини ёътиборга олган ҳолда кадрларни тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Ўрта синфи шаклланиши салоҳияти. Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, вилоятда сайёҳликка бўлган талабни авваламбор ўрта синф вакиллари шакллантиради. Қайси минтақада ўрта синф қатлами қатлами қанча кўп ва кенг бўлса, унинг сайёҳлик салоҳияти ҳам шунчалик юқори бўлади. Ушбу тенденсия Ўзбекистон аҳолиси учун тааллуқли бўлиб, Бухоро вилоятида туризмни барқарор ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Сўровномалар натижасига кўра ҳозирда Ўзбекистонда ўрта синф аҳолини ярмидан кўпроғини ташкил қилмоқда¹.

Экспертларнинг ҳисобига кўра 2030-йилга бориб Ўзбекистонда ўрта синф аҳолининг 70 фоизини ташкил этиши мумкин². Ушбу омил Бухоро вилоятида туризмни барқарор ривожлантириш учун катта имкониятлар очиб беради.

Умуман Бухоро вилояти иқтисодиёти ва унинг етакчи тармоғи туризмни барқарор ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, уларнинг асосини қўйидагилар ташкил этади:

- тарихий-маданий обидаларнинг вилоят салоҳиятидаги ўрни жуда юқори бўлиб, ушбу салоҳият вилоят иқтисодиётининг рақобатбардошлиқ афзалликлари қаторига киради;
- вилоятда етти пир салоҳиятидан келиб чиқиб сайёҳлик йўналишини кенг тарғиб қилган ҳолда ташки ва ички туризмни ривожлантириш имкониятлари юқори бўлиб, ундан самарали фойдаланиш мақсадга мувоғик;
- табиий салоҳиятлар ичида чўл ва чўл олди зоналарининг туризмни ривожлантиришдаги алоҳида ўрни бўлиб, улардан кенг фойдаланиш натижасида вилоятда экотуризм, овчилик туризми, даволаниш туризми, чўл туризми, музей туризмини шакллантириш мумкин;
- транспорт инфратузилмаси соҳасида вилоятда олиб келувчи темир ва автомобил йўлларини шакллантириш, янги инновацион ва илгор технологиялардан фойдаланиш муҳим вазифалар қаторига киради;
- мамлакат ва вилоятдаги демографик салоҳият иқтисодиётни, биринчи навбатда ички туризмга бўлган талабни шакллантирувчи асосий омилдир. Аҳолининг турли қатламлари орқали амалга оширилган ҳисоб-китобларга кўра Бухоро вилоятининг ички туризм сайёҳларини келажакда 5,0 млн кишига йетказиш ва иқтисодиётни барча соҳаларини ривожлантириш учун бой салоҳият мавжуд;
- вилоят ўзининг бой меҳнат салоҳиятига эга бўлиб, келажакда йетакчи туризм соҳасида банд бўлганлар сони кескин кўпайтириш учун асослар бор. Бунинг учун меҳнат ресурсларини, айниқса ёшларни мавжуд шаклланаётган юқори сайёҳлик талабдан келиб чиқсан ҳолда тайёрлаш ва қайта тайёрлашни йўлга қўйиш керак. Кадрлар тайёрлаш фақат бевосита туризм инфратузилмаси учунгина емас, балки у билан боғлиқ барча соҳаларга ҳам тааллуқли. Бу ўринда Бухоронинг ўзига хос меҳмондўстлигини янада юқори даражага кўтариш мақсадга мувоғик;
- вилоятни мамлакатнинг марказида жойлашганлиги ва бу ерда қадимий-тарихий обидаларни асосий қисми тўплангандиги минтақа салоҳиятининг ўзига хос хусусиятларидандир. Ушбу омил мамлакат аҳолисини ва хорижликларни вилоятга сайёҳлик ташрифи учун қулай шароит яратади;
- иқтисодиётни ривожланишига туртки соҳа туризмга бўлган талабни шаклланишига бевосита таъсир қилувчи омил, ўрта синфи шаклланишидан иборат. Келажакда ўрта синф

¹ Давлат статистика кўмитасининг расмий <https://stat.uz> сайти маълумотлари асосида

² Ахмедов Т. М. Формирование среднего класса важный фактор модернизации экономики и структурных преобразований. Материалы республиканской научно-практической конференции. Ташкент. 2016.

кўрсаткичларига жавоб берувчи(даромад даражаси, уй-жой билан таъминланганлик, билим савияси, маълум касб егалари) аҳолининг улушини етмиш фоизга етказиш мўлжалланганлигини ҳисобга олган ҳолда ички туризм ва у билан боғлиқ вилоят иқтисодиёти тармоқларини барқарор ривожлантириш учун кенг имкониятлар очилади.

Вилоятнинг ўзига хос табиий-иктисодий салоҳиятидан келиб чиқкан ҳолда, туризм минтақавий иқтисодиётнинг асосий ихтисослашув йўналишига айланиши, ўсиш нуқтаси барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда туртки бўлиши аҳоли даромадлари ва бандлигини ошириш учун муҳим асос бўлиб хизмат қиласди.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАР ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Р.Каримжанова, катта ўқитувчи
Наманган муҳандислик-технология институти**

Туризм хўжалик фаолияти соҳаси сифатида улкан аҳамиятга ва ўзига хос жихатларга эга. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисга 2018 йил декабрдаги Мурожаатномасида айтилганидек “бизда туризм кўпинча қадими шаҳарларимиз, тарихий-маданий ёдгорликлар доирасида чекланиб қолмоқда. Ваҳоланки, мамлакатимизнинг бетакрор табиати, миллий қўриқхоналар, тоғли ҳудудларда туризмни ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд. Айниқса, тиббиёт туризми, зиёрат туризми ва экотуризмни ривожлантириш нафақат иқтисодиёт, балки ижтимоий соҳалар ривожига ҳам катта туртки беради”.

Туристик маҳсулотлар, туристик хизматлар(бронлаштириш, ташиш, жойлаштириш, овқатлантириш, ўйинлар), туристик ишлар(фото хизмати, суғурта, ахборот, молия, банк хизмати), туристик товарлар(эсадалик совғалар, хилма-хил туристик товарлар, истеъмол товарлари-парфюмерия, майший техника, кийим-кечаклардан иборат.

Туристик хизматлар - турист ва экскурсанд эҳтиёжларини қондириш ва таъминлашга қаратилган, хизмат соҳасидаги бир мақсадга йўналтирилган харакатлар тўплами бўлиб, улар туризм мақсадларига, ҳарактерига ва туристик хизматнинг қандай йўналтирилганига жавоб бериши ҳамда умуминсоний тамойилларга қарши бўлмаслиги керак.

Давлат стандарти тарифига кўра, туристик хизматлар - сайёҳларнинг эҳтиёжларини қондириш фаолияти билан шуғулланувчи туризм ташкилотларининг фаолияти маҳсулидир.

Президентимизнинг 2017 йилнинг 16 августдаги “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мамлакатимизда иш ўринларини яратиш, валюта тушумини янада кўпайтириш, ҳудудларни жадал ривожлантириш, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Наманган вилоятида ҳам бу борада изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Вилоятда бугунги кунда 1500 сайёҳни қабул қилиш имкониятига эга 25 та меҳмонхон ва 8 та сайёҳлик фирмаси фаолият кўрсатмоқда. Вилоятда 282та маданий меърос обьекти мавжуд бўлиб, шундан 103таси архитектура ёдгорлиги, 155таси археология ёдгорлиги, 8таси монументал санъат асарлари, 16таси диққатга сазовор жойлар, зиёратгоҳлардир.

Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманидаги Заркент қишлоғида жойлашган “Шаршара” болалар оромгоҳи 20 миллиард сўм микдоридаги инвестиция эвазига замонавий дам олиш комплексига айлантирилмоқда.

Вилоятда амалга оширилаётган ислоҳотлар каторида туризм ва уни ривожлантириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилиши тўғрисида дастурий режалар тузилган. Жумладан, вилоят ҳокимлиги ҳамда Туризм бошқармаси томонидан туристик зоналарнинг концепцияси ишлаб чиқилди ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди. Ўз навбатида, Вазирлар